

## БАЛОҒАТ ИЛМИ ОРҚАЛИ ҚУРЪОНИ КАРИМНИ АНГЛАШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8052997>

**Қодиров Хошимжон**

*Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом  
институту 4-курс талабаси*

### **Аннотатсия**

*Балогат илмини таҳсил қилиш орқали Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар маъноларини тўғри тушуниш ва нозик жиҳатларни теран англаш осон кечади ҳамда Қуръони каримнинг фасоҳат ва балогат эътиборидан мўъжизакорлиги кашф бўлади. Шу боисдан, Қуръони карим тафсири, ҳадиси шарифлар шарҳи ва бошқа диний илмларни ўрганмоқчи бўлган киши юқорида таъкидланганидек, луғат, сарф, наҳв илмлари билан бир қаторда балогат илмини ҳам пухта эгаллаши лозим. Бу ҳақда юртдошимиз Абдурауф Фитрат қарийб бир аср олдин шундай деган эди: “Такрор ва такрор айтдик-ки, диний ва ижтимоий таълимотимиз Қуръон ва ҳадисларда мавжуддир. Қуръон ва ҳадислар эса араб тилидадир. Яна динимизга оид аксар китобларимизни олимлар араб тилида ёзганлар. Бинобарин, шуларни тушуноқ ва билмоқ учун араб тилининг сарфу-наҳвини ўрганишимиз зарур. Лекин бу етарли эмас, балки Қуръон маъноларини тушунишимиз учун балогат илмини - баён, бадиъ ва маъоний илмларини ҳам билишимиз лозим”*

### **Калит сўзлар**

*қуръон, балогат, фасоҳат, нотиқлик.*

Балогат илмини таҳсил қилиш орқали Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар маъноларини тўғри тушуниш ва нозикликларини теран англаш осон кечади, ҳамда Қуръони каримнинг фасоҳат ва балогат эътиборидан мўъжизакорлиги кашф бўлади. Шу боисдан, Қуръони карим тафсири, ҳадиси шарифлар шарҳи ва бошқа диний манбаларни ўрганмоқчи бўлган киши луғат, сарф, наҳв илмлари билан бир қаторда балогат илмини ҳам пухта эгаллаши лозим.

Барчамизга маълумки, динимизнинг биринчи манбаси бу Қуръони карим ҳисобланади. Қуръони карим оятлари очик-равшан бўлишига қарамаздан, унинг лафзлари ва ибораларини тушунишда ҳамма инсонлар баробар бўла олмайдилар. Шу боис, Қуръони карим тафсирига эҳтиёж сезилади.

Тафсир илми шариат илмлари ичида кадр жиҳатидан энг улуғи, мавзу ва мақсад жиҳатидан энг шарафлиси саналади. Чунки, унинг мавзуси барча ҳикматлар чашмаси, ҳамма фазилятлар маъдани бўлмиш Қуръони каримдир. Унинг мақсади мустаҳкам аркон (ислом)ни маҳкам тутиш ва ҳақиқий саодатга эришишдир. Бу илмга эҳтиёжнинг кучлилигига сабаб шуки, ҳар бир диний ва дунёвий камолотнинг шариатга мувофиқ бўлмоқлиги шартдир.

Унинг мувофиқлиги Аллоҳнинг Китобини билишга бориб тақалади. Тафсир илмини ўрганишда араб тилига оид илмлар, хусусан балоғат илми муҳим аҳамият касб этади. Буни атрофлича тушунишимиз учун “тафсир”нинг уламолар истилоҳидаги маъноси билан танишишимиз керак.

Абу Ҳайён тафсирни қуйидагича таърифлаган:

و الألفية رادية احكامها و تهامدلولا و القرآن بالفاظ ال نطق ك ي فية عن ي بحث علم هو  
ال ترك ي بية

لذلك ت تمت و ال ترك يب حالة علمها ت حمل ال تى معان بها و

“У Қуръон лафзларини нутқ қилиш кайфияти, уларнинг (Қуръон лафзларининг) маънолари, ёлғиз ва таркибий ҳолатдаги ҳукмлари, таркибнинг ҳолати унга йўйиладиган маънолар ва буларни тўлдирувчи жиҳатлар ҳақида баҳс қиладиган илмдир”.

Сўнг бу таърифни шарҳлаб айтади:

“علم” деган сўзимиз жинс бўлиб, барча илмларни ўз ичига олади. (Кейинги қайдлар ҳадис, фикх, ақоид каби бошқа илмларни таърифдан чиқариб юборади).

“ال قران بالفاظ نطقا ك ي فية عن ي بحث” – “Қуръон лафзларини нутқ қилиш кайфияти ҳақида баҳс қиладиган...”, деган сўзимиздан кироат илми ирода қилинди.

“مدلولاتها و”...уларнинг (Қуръон лафзларининг) маънолари (ҳақида баҳс қиладиган)..., деган сўзимиз билан бу илмда (тафсир илмида) муҳтож бўлинадиган луғат илми кўзда тутилди. “ال ترك ي بية و الألفية احكامها و” - “... (ўша лафзларининг) ёлғиз ва таркибий ҳолатдаги ҳукмлари (ҳақида баҳс қиладиган)..., деган сўзимиз сарф, эъроб (нахв) ҳамда балоғат таркибига қирувчи баён ва бадий илмларини ўз ичига олади. “علمها ت حمل ال تى معان بها و” - “...таркибнинг ҳолати унга йўйиладиган маънолар (ҳақида баҳс қиладиган)..., деган сўзимиз мажозни ўз ичига олади. “لذلك ت تمت و” ....ва буларни тўлдирувчи жиҳатлар (ҳақида баҳс қиладиган)..., деган сўзимиз носих-мансук, сабаби нузул ва бошқаларни билишни назарда тутди.

Тафсир илмининг таърифидан маълум бўлдики, у Қуръони каримнинг кироат важҳлари (турлари), лафзларининг луғавий маънолари ҳамда сарф,

наҳв, балоғат жихатлари ва бошқа тўлдирувчи томонларини ўрганар экан, демак, у балоғат илми билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун уламолар муфассирда топилиши лозим бўлган бир нечта шартларни баён қилганлар ва ана шу шартлар ичида араб тилига оид илмлар (луғат, сарф, наҳв ва балоғат илмлари)ни билишни алоҳида зикр қилганлар.

Улуғ тобеъинлардан Мужоҳид айтади: “Аллоҳга ва охираат кунига иймон келтирган бирор киши учун, агар у араб тилига оид илмларни билмаса, Аллоҳнинг китоби ҳақида сўзламоқлиги ҳалол бўлмайди”.

Буюк ватандошимиз муфассирлар устози Жоруллоҳ Махмуд Замахшарий “Кашшоф” номли тафсирининг мукаддимасида шундай дсйди: “Кимки тафсирга киришса, унинг ҳақиқатларидан ҳеч бир нарсага ета олмайди, фақат Қуръонга хос бўлган икки илм – илми маъоний ва илми баёнда билимдон, иккисини ўрганишда бироз шошилмаган, тафтиш қилишда бир муддат машаққат чеккан кишигина унинг ҳақиқатларига ета олади”.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, балоғат илми муфассирнинг энг катта таянчларидан бири экан.